

# ТҮҚМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИДА СОЛИҚ НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА СОЛИҚ ТЕКШИРУВЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ

Файзуллоев Мирсаид Шухратович –  
ТДИУ тадқиқотчи

Аннотация: Мазкур мақолада, түқмачилик корхоналарида солиқ назоратида солиқ органларини фаолиятини такомиллаштириш ва уларни самарадорлигини баҳолаш йўллари бўйича тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, тадқиқот доирасида хулоса ва таклифлар шакллантирилган.

Калит сўзлар: солиқ, бюджет сиёсати, бюджет, солиқ маъмурчилиги, молиявий назорат, солиқ текширувлари, аудит, солиқ аудити, аудитнинг халқаро стандартлари, норматив таҳлил, солиқ тушумлари, солиқ имтиёзлари, солиқ ставкаси.

## **Issues of using modern methods of tax audits in the implementation of tax control in textile enterprises**

**Annotation:** In this article, research was carried out on ways to improve the activity of tax authorities and assess their efficiency in tax control in textile enterprises, and conclusions and proposals were formed within the framework of the research.

**Keywords:** tax, budget policy, budget, tax administration, financial control, tax audits, audit, tax audit, international standards of auditing, regulatory analysis, tax revenues, tax benefits, tax rate.

Кириш:

Республикамизда бугунги кунгача олиб борилган ислоҳотлар барча соҳаларни қамраб олиб, соҳаларнинг ривожланишиб боришига сабаб бўлди. Айниқса, ҳар бир фаолият тури бўйича меъёрий-ҳуқуқий хужжатлар ишлаб чиқилиб, соҳанинг услубий таъминоти яратиб берилди. Жумладан, солиқ назорати фаолияти бўйича амалга оширилаётган ишлар бугунги кунда аудит бўйича етарли услубий таъминот мавжудлигини кўрсатмоқда. Мазкур соҳа бўйича қабул қилинган қонун ва қонуности хужжатлари соҳанинг услубий таъминоти яратилганлигидан далолат беради.

### **2.Адабиётлар шархи.**

Солиқ аудитининг муҳимлигини Барсулая (2019) қуидагича ифодалайди: ҳозирги вақтда аудиторлик хизмати турлари ичida солиқ аудитига кўпроқ эҳтиёж туғилмоқда. Экспертларнинг баҳолашича Россия аудиторлик компаниялари тушумининг 30 фоизи солиқ аудитига тўғри келмоқда.

Бу тўғрида Аренс ва Лоббеклар (1995) қуидагиларни ёзишган: “Солиқ тўловчиликарни федерал солиқ қонунларига риоя қилишини, солиқ декларацияларни текшириш учун ҳукумат аудиторлар ёллайди. Солиқ қонунчилиги жуда мураккаб бўлиб, солиқларни текшириш бўйича аудитордан

чуқур билимларга эга бўлишликни талаб этилади”.

Иқтисодчи олимлардан Шеремет ва Суйслар (2005) солиқ аудитига «солиқ аудити – бу солиқларни тўғри ва тўлиқ ҳисобланиши ва тўланиши, солиқ сиёсатига риоя қилинишини аудиторлик текширишидир» деб таъриф беради.

Усатова (2008) ўзининг илмий ишларида солиқ аудитини қуидагича эътироф этган: “Солиқ аудити-бу бухгалтерия ва солиқ ҳисобларининг ҳолатини, шунингдек ташкилотларнинг солиқлар ва йиғимлар бўйича ҳисоб китобларини мустақил текширишдир”.

С. Адвокатова солиқ назоратига қуидагича таъриф берган: (2009) “Солиқ назорати, солиқ маъмуриятчилиги тизимининг ажралмас қисми сифатида, жамиятнинг барча жабҳалирида давлат олдида турган муаммоларни ҳал этишини таъминлайдиган, давлатнинг молиявий ресурсларини энг самарали шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланишнинг ҳуқуқий механизмини такомиллаштириш учун йўналишлар ва йўлларни таъминлайдиган давлатнинг молиявий сиёсатини амалга ошириш”.

Т.А. Ефремованинг фикрига кўра, (2017) самарали солиқ назоратини ташкил этишининг биринчи навбатдаги шарти эса солиқ ва бухгалтерия ҳисботларининг электрон тарзда

тақдим этишнинг замонавий илғор ахборот технологик тизимга асосланган солиқ назорати ҳисобланади.

Мишустиннинг фикрига кўра (2010), ҳозирги замон шарт-шароитларида солиқ тўловчи ҳақида зарур ахборотларни сақлаш, тезкор топиш ва таҳлил қилиш ҳамда унга нисбатан солиқ назорати тадбирларини ўтказиш биринчи навбатдаги долзарб вазифалардан бири ҳисобланмоқда. Шунинг учун, солиқ идораларида ахборотлар тизими ва таҳлил дастакларини кенгайтирмасдан, илмий техник салоҳиятини оширмасдан ҳамда ахборот технологияларни яратмасдан туриб солиқ назоратини янада такомиллаштиришни тасаввур этиб бўлмайди.

Ефремованинг фикрига кўра ҳам (2008), комп’ютер техникаси ва узатиш воситалари билан жиҳозланганлиги муҳим масалалардан бири бўлмоқда. Буларни бир маромда ишлишини таъминламасдан солиқларни тўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида бюджетга тушиши юзасидан солиқ назоратини самарали ташкил этиб бўлмайди. Самарали солиқ назоратини ташкил этишнинг биринчи навбатдаги шарти эса солиқ ва бухгалтерия ҳисботларининг электрон тарзда тақдим этишнинг замонавий илғор ахборот технологик тизимга асосланган солиқ назорати ҳисобланади.

### 3. Тадқиқот методологияси.

Ушбу мақолада мамлакатимизда мавжуд бўлган солиқ назорат тизими илмий жиҳатдан таҳлил қилинган. Тадқиқот учун асосаниккиламчи маълумотлар, яъни статистик маълумотлар, ҳисботлар, сифат маълумотларни миқдорлаштириш усуллари, инструкциялар, норматив-ҳуқуқий хужжатлар, нутқлар, маърузалар ва фиклар каби расмий манбалардан фойдаланилган.

### 4. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Бугунги кунда давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқиши билан боғлиқ бўлган маълумотларни жамлаш, таҳлил қилиш ҳамда солиқ аудитини ўтказиш босқичларини белгилаб келинмоқда. Солиқ аудитини ўтказиш жараёнида солиқ органларининг мансабдор шахслари Солиқ кодексига, Вазирлар Маҳкамаснинг 2021 йил 1 январдаги 1-сон қарори билан тасдиқланган Солиқ

текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ва солиқ қоё нунчилигини тартибга соловчи бошқа норматив-ҳуқуқий хужжатларга асосан амалга оширилиб келинмоқда. Солиқ аудити бошлашдан олдин солиқ тўловчининг солиқ органларида мавжуд бўлган солиқ тўловчига тегишли бўлган қўйидаги маълумотлар ва солиқ ҳисботлари йиғиб таҳлил қилинади:

1) Солиқ тўловчи тарихи дастуридан қўйидаги маълумотлар ўрганилади:

- давлат рўйхатидан ўтганлиги;
- устав фонди миқдори, таъсисчилари;
- юридик манзили ва бошқа корхоналарни ташкил этганлиги;
- фаолият турлари, лицензия ва руҳсатномалар мавжудлиги;
- банк ҳисоб рақамлари, йирик пул айланмалари;
- муқаддам ўтказилган текширишлар бўйича маълумотлар.

2) НҚМ дастури маълумотлари ўрганилади:

- савдо шаҳобчалари ва НҚМ рўйхатдан ўтганлиги.

3) Е-ижага дастури маълумотлари ўрганилади:

- ижарага олинган ва берилган бино иншоотлар ва ер майдонлари тузилган ижара шартномалари.

4) ҚҚС тўловчилари ўрганилади:

- Soliq.uz сайтидан корхонанинг ва унинг контрагентларини ҚҚС тўловчиси ҳисобланиши, гувоҳномаси мавжудлиги (актив ҳолатда эканлиги).

5) Ҳисоб-варақ статистика дастури маълумотлари ўрганилади:

- ҳисоб-варақ статистика дастуридан харид қилинган ва реализация қилинган товар, иш хизматлар бўйича маълумотлар олиниб, товар-моддий бойликлар ва хизматлар турлари таҳлил қилинади;

6) Электрон ҳисбот дастуридаги солиқ тўловчи тақдим этган ҳисботлар ўрганилади:

- солиқлар бўйича ҳисботларни топширмаслиги ёки ўз вақтида топширмаслиги;

- бир солиқ даври учун битта солиқ тури бўйича (уч ва ундан ортиқ маротаба) қайта ҳисбот тақдим этилиши;

- хақиқатда фаолият юритиб (банк ай-

ланмаси мавжуд бўлиб) ҳисоботларни “нол” топшириши, ҳисоботларда нотўғри маълумотлар акс эттириши.

– баланс ҳисботи асосий воситалар миқдори, товар-моддий заҳиралари қолдиқлари, дебитор-кредитор қарздорликлари, низом жамғармаси, тақсимланмаган фойдаси миқдори;

– молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисботнинг соф тушумлари, бажарилган ишлар таннаххи, асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари, молиявий фаолиятдан олинган даромадлари ва харажатлари фойда солиғи ҳисботи билан солиштириб ўрганилади;

– фойда солиғи ҳисботининг даромадлар ва харажатлар таркибини шаклланиши ҳамда бошқа фаолият турлари мавжуд бўлса ўрганилади. Қўлланилган имтиёзлар асослар ўрганилади. Махсулотларни текинга импорт қилиб, белгиланган тартибда қўшимча даромад сифатида акс эттирганмаганлик ўрганилади;

– фойда солиғи ҳисботида асоссиз равишда ойлик иш ҳақи ҳаражатлар суммасини кўпайтириб акс эттирганлигини ижтимоий солиқ ҳисботи билан солиштириб ўрганилади;

– фойда солиғи ҳисботида асоссиз равишда ресурс солиқлари ҳаражатлар суммасини кўпайтириб акс эттирганлиги ресурс ҳисботи билан солиштириб ўрганилади;

– қўшилган қиймат солиғи ҳисботининг ҳарид қилинган ва реализация қилинган корхоналар реестри шакллантирилиб, Ҳисоб-варақ статистика дастури маълумотлари билан солиштириб реализация қилинган ва ҳисобга олинадиган ҚҚС суммалари ўзаро мутаносиблиги ўрганилади;

– Ҳисоб-варақ статистика дастурида бажарилган ишларни ҚҚС ҳисботида камайтириб қўрсатиш ҳолатлари ўрганилади;

– қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ имтиёзларидан нотўғри фойдаланганлиги, мақсадли имтиёзлардан муддати ўтган кейин фойдаланганлиги ўрганилади;

– ҚҚС ҳисботида акс эттирилган соф тушуми суммаси фойда солиғи ҳисботи билан солиштирилади;

– ҚҚС ҳисботининг 7-иловасида олдинги даврда ҳисобга олинган ҚҚС суммаси тўғри акс эттирилганлиги ўрганилади;

– ҚҚС ҳисботида Солиқ кодексининг 77-моддасига зид равишда ҳисоб сиёсатини

молиявий йил давомида ўзгартирган ҳолатлари ўрганилади;

– баланс ҳисботидаги товар-моддий заҳиралар қолдиқ суммасига йил давомида ҳарид қилинган товар ва хизматларни реализация қилинган товарлар ўртасидаги тафовут таҳлили ўрганилади.

7) Ташқи манба маълумотлар:

– хорижий давлатлар томонидан солиқ тўловчи фаолияти ёки ташқи савдо операциялари бўйича келиб тушган маълумот ва ахборотлар ўрганилади;

– интернет тармоғидан ва реклама маълумотларидан солиқ тўловчи фаолиятига ва реализация қилинган товар, иш ва хизматлар нархлари бўйича маълумотлар ўрганилади;

– судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан корхона фаолияти бўйича келиб тушган маълумотлар ўрганилади;

– корхонанинг солиқ органларига тақдим қилган мурожаатлари (хатлари, тақдим этган маълумотлари) ўрганилади;

– ҚҚС ҳисботи кўрсаткичлари ва ташқи манба дастуридан импорт қилинган товарлар бўйича олинган маълумотлар асосида божхона қиймати ўртасидаги фарқ, божхона ва сотиш нарх ўртасидаги фарқ ўрганилади;

– импорт қилинган хизматлардан олиандиган ҚСС (29-код) ҳисботи Адлия вазириги томонидан 2013 йил 12 июнда 2467-рақам билан рўйхатдан олинган “Юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта операциялари амалга оширилишининг асосланганлиги юзасидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисида”ги низомга биноан тижорат банклари томонидан импорт қилинган хизматлар бўйича тақдим қилинган маълумотлар билан таққослаб ўрганилади;

8) Солиқ тўловчи фаолият кўрсатган ҳудуддаги туман ҳокимиятидан қўрилиш ишлари учун ажратилган ер майдонлари тўғрисидаги маълумотлар олиб ер солиғи ҳисботи билан солиштирилади.

Ҳокимият ҳузуридаги Ягона бюртмачи инжениеринг компаниясидан олинган маълумотлари яъни шартномалари, бажарилган ишлар далолатномалари, ҳисобварақ-фактуралари, ўtkazilgan пул маблағлари (марказлашган пул маблағлари) олиниб, қўшилган

қиймат солиғи ҳисоботлари билан солиши тирилади.

9) Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигидан олинган маълумотлар, яъни тендер хужжатлари, корхона маълумотлари, лойиҳа-смета хужжатлари маълумотлари олиниб ўрганилади.

Бундан ташқари, Солиқ аудити ўтказилиши жараёнида қуидаги тадбирлар ўтказилади:

1) Солиқ аудити обьекти билан дастлабки учрашув ва суҳбат ўтказилади (намунавий саволлар рўйхати бўйича).

2) Ҳудуд ва бинолар, шунингдек ҳужжат ва буюмлар кўздан кечирилади ва Солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 18-сонли иловаси бўйича баённома расмийлаштирилади.

3) Ҳудуд ва бинога (бундан турар жойлар мустасно) киришига тўқсинглик қилинганда Солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 17-сонли иловаси бўйича далолатнома расмийлаштирилади ва Солиқ кодексининг 111-моддасига биноан солиқ тўловчининг банқдаги ҳисобваражлари бўйича операциялар тўхтатилади.

4) Солиқ аудити ўтказиш билан боғлиқ бўлган барча маълумотлар, тадбирлар ва ҳужжатларни талаб қилиб олинади (моддий бойликлар, активлар, ходимлар сони, нархлар бўйича прайслар, назорат касса машиналари ва ҳоказолар).

5) Аудиторлик текширувларини ўтказиш Солиқ аудити ўтказиш тўғрисидаги услубий қўлланманинг 23-иловаси бўйича.

6) Солиқ базасини яшириш хавфларини аниқланади.

7) Асосий фаолиятдан бошқа фаолиятдан олинган даромадларни аниқланади.

8) Бирламчи кирим ва чиқим ҳужжатларини бухгалтерия ҳисоби регистрларида тўғри акс эттирилиши текширилади.

9) Сотилган маҳсулот ва бажарилган ишлар таннархи аниқланади.

10) Яқуний молиявий натижани ҳисобга олувчи счетлар таҳлил қилинади.

11) Солиқ ва божхона тўловлари бўйича қўлланилган имтиёзларни қонунийлиги текширилади.

12) Ташқи савдо операцияларини солиқ базасига таъсири ҳамда норезидент даромад солиғи текширилади.

13) Солиққа оид ҳуқуқбузарлик аниқланганда далиллар ва ҳужжатлар йифилади.

14) Солиқ аудити далолатномасини расмийлаштирилади.

15) Солиққа оид ҳуқуқбузарлик бўйича тушунтириш хати олиниб, баённома расмийлаштирилади.

**Тўқмачишик корхоналарида солиқ хавфи турлари аниқлашда қуидагиларни назарда тутилиши мақсадга мувофиқ бўлади.**

ҚҚС, фойда солиғи, айланмадан олинадиган солиқ, дивиденд солиғи базасини аниқлашда қуидагилар ўрганилади:

- ҚҚС ҳисботовида иш ва хизматлар реализация айланмаси билан фойда солиғи ҳисботовида даромад ўртасида тафовут мавжудлиги;

- ҚҚС ҳисботовида ҳисбога олинадиган ҚҚС суммасини тўғри акс эттирилиши (ҚҚС гувоҳномаси мавжуд бўлмасдан ҚҚС билан ЭХФ расмийлаштириши, ҚҚС маҳсус гувоҳномасининг нофаоллиги);

- ҚҚС ва фойда солиғи ҳисботовида имтиёзларни нотўғри қўлланилиши;

- молиявий натижалар ҳисботовида ишлар ва хизматлар таннархини реализация айланмасига нисбатан номутаносиблиги;

- электрон счет-фактура маълумотлари бўйича транспорт ва бошқа хизматларни ҳақиқатда бажарилганлиги юзасидан номутаносиблик;

- бажарилган иш ҳажми билан солиқ ҳисботовларида кўрсатилган ишчилар сонини номутаносиблиги;

- электрон счет-фактура маълумотлари бўйича субпудратчилар томонидан бажарилган ишларни номутаносиблиги ўрганилади.

Солиқ аудити ўтказиш жараёнида солиқ тўловчи томонидан солиқ органларига топширилган ҳисботовларни тахлил қилиниб шахсий карточкаларга киритилган суммалар билан таққосланади.

Мисол: “А” МЧЖда ўтказилган солиқ аудити натижасида 2020 йил учун қўшилган қиймат солиғи жамият томонидан ички бозорга қиймати 500,0 064 7 минг сўмлик реализация

қилинган тўқимачилик маҳсулотлар ҚҚС ҳисоб-китоб қилинмасдан реализация қилинганлиги сабабли 800,0 059 1 минг сўм қўшимча давлат бюджетига ҳисобланган.

Бунда солиқ аудити жараёнида ҳисоб варақа фактуралар ва унда ҚҚС суммаси акс эттирилиши таҳдил қилинган ва Солиқ кодексининг 238-модда 1-бандига кўра реализация қилиш жойи Ўзбекистон Республикаси бўлган товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланма солиқ солиш обьекти бўлганлиги ва Солиқ кодексининг 239-моддасига асосан товарга бўлган мулк ҳуқуқини пуллик асосда ўтказиш товарларни реализация қилиш бўйича айланмага киритилиши сабабли ушбу айланмага ҚҚС ҳисобланган.

Солиқ аудити натижасида 2019 йил учун фойда солиғи 56 400,0 минг сўм миқдорида қўшимча давлат бюджетига ҳисобланган, бунда сотилган маҳсулотларнинг таннархига киртилган 470 000,0 минг сўм миқдоридаги сертификатлаш харажатлари ҳужжатлар билан асосланмаган, Солиқ кодексининг 298-моддасига асосан жами даромадларга бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланадиган асосий воситаларнинг ва бошқа мол-мulkнинг чиқиб кетишидан олинадиган фойда киритилмаган.

Солиқ аудити натижасида 2020 йил учун жамият томонидан 215,8 243 2 минг сўм миқдорида овқатланиш учун компенсация тўловлари солиқ солиш базасига киритилмаганлиги сабабли 185,9 269 минг сўм миқдорида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва 185,9 269 минг сўм миқдорида ижтимоий тўлов қўшимча давлат бюджетига ҳисобланган.

Бундан ташқари, солиқлар бўйича қўлланилган имтиёzlардан асослилиги, шундан мақсадли имтиёzlарни ҳисобини тўғри юритилиши ва мақсадли фойдаланилиши зарур бўлади.

Тўқимачилик корхоналари томонидан солиқ ва божхона имтиёzlаридан асосли ва тўғри фойдаланганлиги ҳамда солиқ тўлашдан бўшаган маблағларнинг мақсадли ишлатилишини текширилади. Бунинг учун солиқ тўловидан имтиёzlарнинг қўллаш учун асослари сўраб олинади ва ўрганилади.

Бўшаётган маблағларни мақсадли вазифаларни бажаришга йўналтириш шарти билан берилган солиқлар ва божхона имтиёzlарини нотўғри қўлланилган ёки мақсадсиз ишлатилган ҳолатлар аниқланганда, бирламчи бухгалтерия ҳужжатлари (шартнома, ҳисобварак-фактура, БЮД, қабул-қилиш топшириш далолатномаси, фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси ва бошқалар) ҳавола этилган ҳолдаги далолатномада ёритилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазirlигида 2005 йил 2 апрелда -1463сон билан рўйхатга олинган “Юридик шахсларга солиқлар, божхона ва мажбурий тўловларни бюджетга тўлаш бўйича берилган имтиёzlарни расмийлаштириш ва бухгалтерлик ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисида”ги Низом.

Бўшаётган маблағларни мақсадли вазифаларни бажаришга йўналтириш шарти билан солиқлар ва божхона имтиёzlарининг бухгалтерлик ҳисоби 8840-“Мақсадли ишлатиладиган солиқ имтиёzlари” ҳисобварагида, берилган солиқлар ва божхона имтиёzlарининг турлари бўйича юритилиши текширилади.

Солиқ тўловчи томонидан тақдим қилинган яъни Низомнинг -1иловасидаги “Солиқлар, божхона ва бюджетга мажбурий тўловлардан озод этиш натижасида бўшаган маблағларданфойдалаништўғрисида”гиҳисоб-китоб маълумотлари, бухгалтерия ҳисобининг 88.40 ҳисоб счёти ҳамда текшириш маълумотлари солиширилиб текширилади.

Агар солиқ тўловчи маълумоти билан текшириш маълумоти ўртасида тафоввут аниқланган тақдирда, тафоввут суммасига бирламчи бухгалтерия ҳужжатлари ва ҳисоб регистрларига (шартнома, ҳисобварак-фактура, БЮД, қабул-қилиш топшириш далолатномаси, фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси ва бошқалар) ҳавола этилган ҳолдаги муфассал тавсифи ёритилиши лозим.

Солиқлар ва божхона имтиёzlарни берилганда бўшаётган маблағлар суммалари, агар улардан мақсадли фойдаланиш назарда тутилмаган бўлса, бухгалтерия ҳисобининг банк ҳисобваракларида акс эттирилмайди ва шу муносабат билан Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда (-2сон шакл) акс эттирилмайди ва тегишлича, молиявий натижаларни шакллантиришга таъсир қилмайди.

Белгиланган мақсадлар учун берилган солиқ имтиёзларидан бўшаган маблағлардан Солиқ кодексида белгиланган муддатларда ва имтиёз берилишига асос бўлган Хукумат қарорида белгиланган мақсадларда ишлатилиши текширилади. Бунда, солиқлар бўйича имтиёзлар белгиланган мақсадларда ишлатилмаган ёки белгиланган муддатларда ишлатилмаган ҳоллари аниқланган тақдирда, имтиёз суммаси жарима билан бирга бюджетга ундирилади.

1-мисол: "А" МЧЖ томонидан солиқ идораларига топширилган 2019 йил учун фойда солиғи ҳисоботида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 29 ноябрдаги ПФ-5587-сонли фармонига асосан, товарлар (ишлар, хизматлар)ни экспортга реализация қилиш ҳажмига тўғри келадиган фойдаси 5,0 млрд.сўмни ташкил этганлиги кўрсатиб, фойда солиғи ва ҚҚС бўйича имтиёздан фойдаланганлиги акс эттирилган.

Текширишда жамият томонидан -2019йилда товарлар (ишлар, хизматлар)ни экспортга реализация қилинмаганлиги ва имтиёздан асоссиз фойдаланганлиги аниқланиб, -2019йил учун (0,75 (%15\*5,0 млрд.сўм фойда солиғи ва (1,0 (%20\*5,0 млрд. сўм ҚҚС қўшимча ҳисобланди.

2-мисол: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 27-мартдаги "2017-2019 йиллар даврида деҳқон бозорларини реконструкция қилиш ва уларнинг худудида замонавий савдо мажмуалари қуриш дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПҚ-2853-сонли Қарорининг 11-бандига асосан, "Алфа" МЧЖга 2020-йил 1-январгача бўлган муддатда қурилиши тугалланган замонавий савдо мажмуаларини белгиланган тартибда сотишдан олин-

ган даромадлар бўйича фойда солиғи ва ҚҚС тўлашдан озод қилиниши белгиланган.

Мазкур имтиёздан фойдаланиш муддати 2020 йил 1 январгача бўлсада, жамият томонидан 2021 йилда 5,0 млрд.сўм миқдоридаги бажарилган ишларга нисбатан ушбу имтиёздан нотўғри фойдаланганлиги аниқланиб, текширишда ҚҚС бўйича 2021 йил учун (0,75 (%15\*5,0 млрд.сўм қўшимча ҳисобланди.

### **Хуроса ва таклифлар.**

Солиқ маъмуриятчилиги соҳасида рақамлаштиришнинг ривожланиши солиқ назорати самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади ва корхонада тўғридан-тўғри солиқ текширувларини ўтказишдан чегараланиш, солиқ тўловчиларга барча солиқларни ихтиёрий равишда тўланиши лозим бўлган солиқлар, шунингдек, уларнинг солиқ мажбуриятларини аниқлаштириш, тўлаш учун имтиёзлар яратишга ўтиш имконини беради.

Мамлакатимиз иқтисодиётини рақамлаштиришнинг ривожланиши шароитида солиқ назоратини ва умуман солиқ тизимини ўзгартириш заруратга айланди, чунки рақамлаштириш катта маълумотлар ва рақамли технологиялардан фойдаланишни ўз ичига олади. Солиқ назоратини ривожлантиришнинг асосий муаммоларидан бири бу «катта маълумотлар» (Big Date) деб аталадиган технологияларни жорий этиштир. Солиқ назоратини рақамлаштириш асосида такомиллаштириш борасидаги Европа, Австралия ва АҚШ каби мамлакатлар тажрибасини мамлакатимиз амалиётига жорий этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

### **Адабиётлар/Литература/Reference:**

Daniel Ho, Peter Lau (2019) Tax audit in Hong Kong// The International Tax Journal.21.12.2019.  
Samuel Chan, Gerald Chau, Patrick Leung (2017) Tax audit and investigation in China and Hong Kong// The International Tax Journal, February-January.

Аренс А., Лоббек Ж. (1995) Audit. – М.: Финансы и статистика. с.14-12. (Ahrens A., Lobbeck J. (1995) Audit. – M.: Finance and statistics. p.14-12.)

Barsulaya T.D. (2019) Налоговый аудит. Учебник: учебное пособие / Barsulaya T.D. – Moskv : Rusayns. – 582 s. – ISBN 978-5-4365-3384-1. – URL: <https://book.ru/book/932100> (data obrazeniya: 14.12.2019). (Barsulaya T.D. (2019) Tax audit. Textbook: study guide / Barsulaya T.D. – Moscow: Russcience. – 582 p. – ISBN 978-5-4365-3384-1. – URL: <https://book.ru/book/932100> (reference date: 14.12.2019))

Усатова Л.В. (2008) Организация процесса налогового аудита расходов. Журнал экономический анализ: теория и практика, 31-26 ,(129) 24стр. (Usatova L.V. (2008) Organization of the process of tax audit of expenses. Journal of Economic Analysis: Theory and Practice, 31-26 ,(129) 24 pp.)

Мищустин М.В. (2010), Для повышения качества налогового администрирования необходима комплексная модернизация налоговой службы. Интервью // Российский налоговый курьер. № 22. Стр. 9-5. / Mishustin M.V. (2010), To improve the quality of tax administration, a comprehensive modernization of the tax service is necessary. Interview // Russian Tax Courier. No. 22. Pg. 9-5.

Ефремова Т.А. (2008), Налоговый робот. Использование информационных технологий в процессе проведения налогового контроля. Российское предпринимательство, Мордовский государственный университет имени Н.П. Огарева. № 3, стр. 74-72. / Efremova T.A. (2008), Tax robot. The use of information technology in the process of tax control. Russian Entrepreneurship, Mordovian State University named after N.P. Ogaryov. No. 3, pp. 74-72.

Адвокатова А.С. Налоговый контроль в условиях модификации отношений налоговых органов и налогоплательщиков. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук Москва – 26 ,2019 с.

Ефремова Т.А. Развитие налогового администрирования в России: теория, методология, практика. Диссертация на соискание ученой степени доктора экономических наук. 2017МГУ. Саранск. стр. 366.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси– Тошкент: Faфур Ўулом нашриёт уйи 640 –2020 б.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаснинг 2021 йил 1 январдаги “Солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом -1сон қарори.